

РЕВМАТОИД АРТРИТ КАСАЛЛИГИДА ЗАМОНАВИЙ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Шодикулова Г.З., Вохидов Ж.Ж.

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Самарқанд, Ўзбекистон

Назаров Юнус Зафурович

Самарқанд ҳарбий госпитали

Самарқанд, Ўзбекистон

Ревматоид артрит (РА) – бўғимларнинг сурункали кечувчи касаллиги бўлиб периферик бўғимларнинг эрозив деструктив типдаги зарарланиши билан кечади. РА билан касалланиш кўрсаткичи ревматик касалликлар ичида 10%, умумий популяцияда 0,5-2,0%. Касаллик билан аёллар эркакларга нисбатан 3-6 марта кўп касалланадилар.

РА касаллигида остеопороз (суяклар зичлигини камайиши) ривожланиши касалликнинг фаоллиги ва оғир кечишига боғлиқ. Узоқ давом этган бу жараён умуртқа поғонаси, бел-думғаза суякларининг спонтан синишларига сабаб бўлади. Дори воситалари, ностероид яллиғланишга қарши, гормонал воситалар узоқ қўлланилганда ошқозон ичак тракти тизимида кальцийни кам сўрилишига ва организмда кальций етишмовчилигига олиб келади (1; 4; 6). Касалликда ногиронликни камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва даволаш самарадорлигини оширишда остеопороз жараёнини олдини олиш муҳим роль ўйнайди.

Ишнинг мақсади: РА касаллигида остеопороз жараёнини тарқалиш кўрсаткичларини ва касалликни даволашда базис дори воситалари билан кальций препаратларини биргаликда қўллаш самарадорлигини ўрганиш.

Текшириш материали ва усуллари. Текшириш СамШТБ III терапия бўлимида 120 нафар РА касаллиги билан даволанган 35 ёшдан 65 ёшгача бўлган беморларда ўтказилди. Энг кўп учрайдиган ёш 40-59 ёш.

РА касаллиги билан касалланган беморлар қабул қилинган стандартлар асосида тўлиқ клиник-лаборатор-инструментал текширувлардан ўтказилди. Махсус текшириш усулларида **қон зардобиди кальций, фосфор, ишқорий фосфатаза миқдори**, бел соҳаси умуртқалари рентген нурланишли компьютер - томографияли остеоденситометрияси қўлланилди.

Остеопороз гумон қилинган беморлардан анамнез йиғишда «Остеопороз ҳалқаро фонди» сўровномасидан фойдаланиб, остеопорознинг ривожланиш



хавфи аниқланди. Суяк тўқимасининг зичлигини аниқлаш мақсадида ҳозирги кунда энг замонавий усуллардан бири бўлиб ҳисобланган бел соҳаси умуртқалари рентген нурланишли компьютер – томографияли остеоденситометрияси қўлланилди. Ушбу текшириш АҚШ фирмаси «General Electric» томонидан ишланган, Bright Speed 16 MDCT қурилмасида амалга оширилди. Рентген нурли томограмма кесимларидаги суяклар зичлиги Хаунсфилд (HU) шкаласи нисбий бирлиги ёрдамида аниқланди.

Олинган натижалар ва таҳлили. РА касаллиги билан касалланган беморларда стационар даводан кейин бўғимларнинг эрталабки қотиши давомийлиги, оғриқ индекси кўрсаткичлари ва зарарланган бўғимлар сонини камайиши, кафт бўғимларининг манипуляция қобилиятининг ортиши кузатилди. Бу эса П.Ли индекси кўрсаткичининг пасайишига олиб келди. Даво муолажалари таҳлил этилганда, бўғим синдроми кўрсаткичларининг яхшилануви биринчи гуруҳга нисбатан иккинчи гуруҳидаги беморларда кўпроқ характерли бўлди.

Даволаш муолажаларидан олдин, кузатувимиздаги 120 нафар бемордан барчасида остеопороз учун хос оғриқлар аниқланган бўлса, даводан кейин биринчи гуруҳдаги 80 та бемордан 7 нафари оғриқларнинг сезиларсиз камаймаганлигини таъкидладилар. Иккинчи гуруҳда эса даводан кейин остеопорозга хос оғриқлар сақланиб қолган беморлар бўлмади .

Даволаш муолажаларидан кейин, биринчи гуруҳдаги гипокальциемия аниқланган 22 нафар бемордан барчасида энгил ва ўртача даражадаги гипокальциемия сақланиб қолди. Иккинчи гуруҳида гипокальциемия ҳолати фақат 17,7% беморда сақланиб қолди. Бизнинг кузатувларимизда биринчи гуруҳ беморлари стационарда ўртача 15 кун, иккинчи гуруҳ беморлари 13,8 кун даволандилар. Даволаш муолажаларининг самарадорлиги оғриқ кўрсаткичлари ва бўғим синдроми белгилари, ЭЧТ, СРО миқдорини камайиши ва кальций миқдорини ошувига кўра аъло, яхши, қониқарли сифатида баҳоланди. Даводан кейин, 77,1% беморда ижобий натижа кузатилди, 15,7% беморларда даво натижаси қониқарли баҳоланди.

Демак, РА касаллиги билан касалланган беморларда традицион даво қабул қилган 10,0% беморни аҳволи ўзгаришсиз қолиб, 17,5% беморда қониқарли натижа, 60,0% беморда яхши натижа, 12,5% беморда аъло натижа кузатилади. Бу муолажаларга кальций препаратлари қўшилганда, фақатгина 3,3% беморнинг аҳволи ўзгаришсиз бўлиб, 13,3% беморда даво муолажалари қониқарли, 63,3% беморда - яхши, 20% беморда - аъло натижа беради. Остеопороз диагнози аниқланганда самарали даво ўтказиш учун беморларга уларнинг парҳези, овқат рационини, овқатланиш тартиби, рационда сут ва сут маҳсулотларининг бўлиши, қабул қилиниши лозим бўлган суюқлик миқдори, жисмоний



фаоллик даражаси, машқлар қўлами, тана вазнини назорат қилиш ва турар-жойидаги суяк синишларига қарши хавфсизлик чоралари ҳақида маълумот берилиши лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. ШОДИКУЛОВА Г. З. и др. Revmatoid Artrit Va Ikkilamchi Osteoartroz Bilan Kasallangan Ayollarda Kardiovaskulyar Xavfini Baholash //Журнал Биомедицины И Практики. – 2022. – Т. 7. – №. 1.
2. Эргашова М., Шодикулова З. Ревматоид Артрит Ва Иккиламчи Osteoartroz Kasalligi Бор Беморларда Юрак Гемодинамикасининг Ўзига Хос Хусусиятлари //Журнал Биомедицины И Практики. – 2021. – Т. 1. – №. 1. – С. 226-231.
3. Шодикулова Г. З., Шоназарова Н. Х., Шеранов А. М. ХАРАКТЕРИСТИКА КОМОРБИДНОГО РЕВМАТОИДНОГО АРТРИТА И ГИПОТИРЕОЗА //Достижения науки и образования. – 2022. – №. 3 (83). – С. 88-91.
4. Шодикулова Г. З., Вохидов Ж. Ж. СОВРЕМЕННЫЕ ВЗГЛЯДЫ НА ДИАГНОСТИКУ И ЛЕЧЕНИЕ РЕВМАТОИДНОГО АРТРИТА (ОБЗОР ЛИТЕРАТУРЫ) //THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 101-112.
5. Zikiriyayevna S. G., Xudoyberdiyevna S. N., Jamshedovich V. J. FEATURES OF PATHOLOGY THYROID GLAND IN A WOMAN WITH RHEUMATOID ARTHRITIS //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – Т. 4. – С. 49-54.
6. Zikriyayevna S. G., G'ofirovich X. O., Maxmudovich A. S. CARDIAC ARRHYTHMIAS IN PATIENTS CIRRHOSIS OF THE LIVER //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – Т. 4. – С. 415-421.
7. Шодикулова Г. З., Саматов Д. К., Таирова З. К. ОСОБЕННОСТИ КЛИНИЧЕСКОГО ТЕЧЕНИЯ И ДИАГНОСТИКИ ПАТОЛОГИЙ ВЕРХНИХ ОТДЕЛОВ ЖЕЛУДОЧНО-КИШЕЧНОГО ТРАКТА У БОЛЬНЫХ С ДИСПЛАЗИЕЙ СОЕДИНИТЕЛЬНОЙ ТКАНИ //ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ. – 2021. – Т. 6. – №. 1.
8. Gafurovich O. H. et al. Clinical And Morphological Parallels Between Helicobacter-Associated Gastroduodenal Disease and Fatty Liver Disease (FLD)(Literature Review) //Eurasian Medical Research Periodical. – 2022. – Т. 8. – С. 106-109.




9. Шодикулова Г. З., Вохидов Ж. Ж. ОПТИМИЗАЦИЯ МЕТОДОВ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ РЕВМАТОИДНОГО АРТРИТА //THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 56-67.
10. Шодикулова Г. З., Нажмиддинов А. Ш. СОВРЕМЕННЫЙ ВЗГЛЯД НА ПРОБЛЕМУ НАРУШЕНИЯ СЕРДЕЧНОГО РИТМА У ПАЦИЕНТОВ С ИНТЕРСТИЦИАЛЬНОЙ ПНЕВМОНИЕЙ (ОБЗОР ЛИТЕРАТУРЫ) //THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 78-89.
11. РИЗАЕВ Ж. А., ШОДИКУЛОВА Г. З., ПУЛАТОВ У. С. REVMATOID ARTRITDA ANEMIYA VA GARTOGLOBIN FENOTIPINING TA'SIRI //ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ. – 2022. – Т. 7. – №. 6.
12. Shodikulova G. Z., Samatov D. K. PECULIARITIES OF CLINICAL PICTURE IN PATIENTS WITH UPPER GASTROINTESTINAL PATHOLOGY WITH CONNECTIVE TISSUE DYSPLASIA SYNDROME //Frontline Medical Sciences and Pharmaceutical Journal. – 2022. – Т. 2. – №. 02. – С. 43-49.
13. Shodikulova G. Z. et al. The Correlation among Osteoporosis, Calcium-Phosphore Metabolism and Clinical Symptoms of Main Disease in Patients with Rheumatoid Arthritis //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 4185-4190.
14. Шодикулова Г. З., Вохидов Ж. Ж. ОПТИМИЗАЦИЯ МЕТОДОВ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ РЕВМАТОИДНОГО АРТРИТА //THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 56-67.
15. Shodikulova G. Z. et al. PREVALENCE AND CLINICAL-GENETIC FEATURES OF CONNECTIVE TISSUE DYSPLASIA IN THE UZBEK POPULATION //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2024. – Т. 5. – №. 41. – С. 176-192.
16. Shodikulova G. Z. et al. THE CLINICAL, IMMUNOLOGICAL, AND GENETIC CHARACTERISTICS OF HIP JOINT OSTEOARTHRITIS IN PATIENTS WHO HAVE HAD COVID-19 //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2024. – Т. 5. – №. 41. – С. 220-228.
17. Шодикулова Г. З. и др. ХАРАКТЕРИСТИКА КЛИНИЧЕСКИХ ПРИЗНАКОВ СИСТЕМНОЙ КРАСНОЙ ВОЛЧАНКИ У ПАЦИЕНТОВ, ПРОЖИВАЮЩИХ В САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2024. – Т. 5. – №. 41. – С. 205-213.



18. Zikriyayevna S. G. et al. BIRIKTIRUVCHI TO'QIMA DIFFERENSIALLASHMAGAN DISPLAZIYASI BO'LGAN BEMORLARDA YURAK RITMI VARIABILIGINING SPEKTRAL PARAMETRLARINING HOLATI //Research Focus International Scientific Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 263-268.
19. ШОДИКУЛОВА Г. З. и др. OSHQOZON ICHAK TRAKTI YUQORI QISMI PATOLOGIYASI BO'LGAN BEMORLARDA BIRIKTIRUVCHI TO'QIMA DIPLAZIYASI KECISHINING KLINIK-LABORATOR XUSUSIYATLARI //ЖУРНАЛ ГЕПАТО-ГАСТРОЭНТЕРОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2023. – Т. 4. – №. 2.
20. Шодикулова Г. З., Вохидов Ж. Ж. СОВРЕМЕННЫЕ ВЗГЛЯДЫ НА ДИАГНОСТИКУ И ЛЕЧЕНИЕ РЕВМАТОИДНОГО АРТРИТА (ОБЗОР ЛИТЕРАТУРЫ) //the theory of recent scientific research in the field of pedagogy. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 101-112.
21. Шодикулова Г. З. Вохидов ЖЖ ОПТИМИЗАЦИЯ МЕТОДОВ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ РЕВМАТОИДНОГО АРТРИТА //THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 56-67.
22. Бабамурадова З. Б., Шодикулова Г. З. ОЦЕНКА КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКИХ ПРЕДИКТОРОВ У БОЛЬНЫХ РЕВМАТОИДНЫМ АРТРИТОМ //Confrencea. – 2024. – Т. 4. – С. 201-203.
23. Бабамурадова З. Б., Шодикулова Г. З. ОЦЕНКА КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ПРИ СИСТЕМНОЙ КРАСНОЙ ВОЛЧАНКЕ //Confrencea. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 391-393.
24. Бабамурадова З. Б., Шодикулова Г. З. ОЦЕНКА ПРОГНОСТИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ АНКИЛОЗИРУЮЩЕГО СПОНДИЛОАРТРИТА //Журнал гуманитарных и естественных наук. – 2024. – №. 11. – С. 219-226.
25. Шодикулова Г. З., Мирзаев О. В., Саматов Д. К. РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ И КЛИНИКО-ГЕНЕТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДИСПЛАЗИИ СОЕДИНИТЕЛЬНОЙ ТКАНИ У ЛИЦ УЗБЕКСКОЙ ПОПУЛЯЦИИ //Journal of cardiorespiratory research. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 94-98.
26. Akbarovna N. A. Assessment of the Severity of Chronic Obstructive Pulmonary Disease in Combination with Bronchial Asthma //International Journal of Alternative and Contemporary Therapy. – 2024. – Т. 2. – №. 4. – С. 66-70.
27. Akbarovna N. A. Current views on the Mechanisms of Development of Bronchial Asthma and Chronic Obstructive Pulmonary Disease //Central Asian Journal of Medical and Natural Science. – 2023. – Т. 4. – №. 5. – С. 440-444.





28. Akbarovna N. A. SYMPTOMATIC CRITERIA FOR BRONCHIAL ASTHMA AND CHRONIC OBSTRUCTIVE PULMONARY DISEASE OVERLAP SYNDROME //World Bulletin of Public Health. – 2023. – T. 27. – C. 4-6.

29. Akbarovna N. A. Features of Cytokine Imbalance in Bronchial Asthma, Chronic Obstructive Pulmonary Disease and Their Comorbidity //Central Asian Journal of Medical and Natural Science. – 2023. – T. 4. – №. 1. – C. 97-103.

